

БОБУР ФАҲМИДАГИ “КАСИДАИ БУРДА”

*Омонуллох Тўхтаохунд ўгли,
Шокирхон Шодмонхўжа ўгли*

Пайгамбаримизни улуглаб айтилган ва битилган касидалардан бири “Касидаи бурда” деб номланади. Суриялик араб тадқиқотчиси Абдул Ол Ҳамомисийнинг “Бусирий Пайгамбарни мадҳ этган энг буюк шоир” номли рисоласида берган таърифига кўра: “Агар Пайгамбаримиз мадҳ этилган юзлаб касидаларни бирма-бир кўриб чиксак, шак-шубҳасиз, мадҳ услубида чексиз меҳр-мухаббат ва комил имон билан араб шеъриятига хос иқтидор билан санъат даражасига етказиб ижод этилган куйидаги уч буюк касидани кўрсатиш мумкин:

Биринчиси – илк Исломи даврида (милодий VII аср) Каъб ибн Зухайрнинг Расулulloх ҳузурда тараннум қилиб айтган – “Бонат Суъоду”, яъни, “Суод узоклашди” деб бошланадиган касидаси[1];

Иккинчиси – Исломининг ўрта асри (хижрий VII аср ёки милодий XIII аср)да битилган Бусирийнинг – “Ал-кавокибуд-дуррийа фий мадҳи хойрил-барийа” – яъни, “Яралмиш жонзотларнинг энг яхшисини мадҳ этувчи порлок юлдузлар” номли касидаси;

Учинчиси – шоир Аҳмад Шавкийнинг (1868 – 1932) – “Нахжул бурда” яъни, “Бурда изидан” номли касидаси”.

Тарихий манбаларда ушбу касидаларни тушунишда турли ноаникликлар рўй берганига дуч келдик. Масалан, “Бобурнома”нинг 935/1528 йил воқеалари баёнидаги ушбу сатрларга эътибор қилайлик: “Сешанба кечаси, сафар ойининг йигирма еттисида[2] хазрат Хожа Убайдуллонинг “Волидия” рисоласини назм қилмок хотиримга кечти. Хазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглумга кечурдумким, агар бу манзум ул хазратнинг макбули бўлур, худ нечукким, сохиби “Касидаи бурда”нинг касидаси макбул тушуб, ўзи афлаж маразидин халос бўлди, мен доғи бу оризадин кутулуб, назмининг кабулига далиле бўлгусидур. Ушбу ният била “рамали мусаддаси махбуни аруз ва зарбгоҳи махбуни махфуз” вазнидаким, Мавлоно Абдуллохмон Жомийнинг “Субҳа”си ҳам бу вазндадур, рисола назмига шуруъ қилдим, ҳам ўшал кеча ўн уч байт айтилди”[3].

Бу парчада Бобур Мирзо қайси “Касидаи бурда”ни ва унинг соҳиби деганида қимни назарда тутган бўлиши мумкин? Бу ҳақда тадқиқотчилар нима дейишган?

“Бобурнома”нинг ўзбекча нашрларида бу ҳусусда на шарҳ на изоҳ берилган. Аммо русча нашрларида “Касидаи Бурда”га бундай изоҳ берилган: “(Касида в честь Мухаммада – “ал-Бурда”) – хвалебная ода, написанная современником Мухаммада (VII век) поэтом Каъб ибн Зухейром”[4].

Хўш, далилларга асосланиб кўрайлик-чи, Захириддин Мухаммад Бобур ҳақиқатан ҳам “соҳиби Касидаи бурда” деганида Каъб бин Зухайрни кўзда тутган эдими?

Бобур Мирзо ижоди билан кенгрок танишиш бу жумла бошқа асарга, бошқа муаллифга алоқадор эканини кўрсатади. Унинг “Мухтасар” асаридан бир парчага эътибор берайлик: “...нечукки, Касидаи бурданинг бу икки байти мужтасс баҳридадур:

*“Ам хаббатир рийху мин тилкои козиматин,
Ва авмазал барку физзалмои мин изами.
Фамо лиъайнайка ин култакфуфо хамато.
Ва мо ли-калбика ин култастафик яхими.”*[5]

Бобур ушбу икки байтни шеър вазни ҳақида баён этмокчи бўлган фикрига мисол қилиб келтиради.

Шарқшунос Михаил Салие (рус тилида **Салье**) таржимасидаги изоҳга асосан бу икки байтни “Касидаи бурда”дан кидирдик: Каъб ибн Зухайрнинг 59 байтли касидасида Бобур Мирзо “Мухтасар”ида назарда тутган байтлар учрамади. Солиштириш натижасида бу икки байт Мухаммад ибн Саид Бусирийнинг 163 байтдан иборат “Касидаи бурда” асарининг биз “Далоилул хайрот”да учратган матнидаги иккинчи ва учинчи байтлари экани маълум бўлди.

Ушбу касидалар орасида Бусирийнинг “Касидаи бурда”си минтакамизда маълум тарихий сабаб ва баъзи ижтимоий омилларга кўра неча замонлардан буён машхур бўлиб келмоқда. Ўзининг икки асарида бир касидани эслагани ва ҳар икки ҳолатнинг касаллик билан боғланиши Захириддин Мухаммад Бобур “сохиби Касидаи бурда” деганида Мухаммад ибн Саид Бусирий ва унинг касидасини назарда тутгани аён бўлади. Бу ўринда муаллифнинг зикр этилмаслиги, фикримизча, маърифат аҳли орасида ушбу касида ҳам, муаллифи ҳам машхурлиги учун Бобурнинг изоҳ бериш шарт эмас, деб ҳисоблаганидан бўлса керак.



[1] Ўша даврда шеър, байт ва касидаларга алоҳида ном қўйилмас ва одатда, улар биринчи байтнинг аввалги бир-икки сўзи билан аталар эди.

[2] “Usonvert” маълумотига кўра, ўша сешанба 1528 йил 10 ноябрига тўғри келаркан.

[3] Захириддин Мухаммад Бобур. “Бобурнома”. “Шарк”, 2002.

[4] Бабур-наме. Записки Бабура. Перевод Салье. Издание второе, доработанное. Ташкент.: Главная редакция энциклопедий. 1993. 339, 404, 346-С.; Захириддин Мухаммад Бабур. “Бабурнаме”. Ташкент.: “Шарк” 2008. 238-С.

[5] Захириддин Мухаммад Бобур. “Мухтасар”. Нашрга тайёрловчи Саидбек Хасан. Т.”ФАН”, 1971. 33-б.